

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУАММОЛАРИ

Ходжабаева Наргиза Исаковна

PhD, Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академия ўқитувчиси

e.mail.nargizahodjabaeva@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада жиноят процессида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ процессуал муаммолар таҳлил қилинган. Хусусан, суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш, шахсинг процессуал мақоми, суд қарорларини қабул қилишдаги камчиликлар кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан қонунчилиқни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар илгари сурилган.

Аннотация: В данной статье анализируются процессуальные проблемы, связанные с применением мер медицинского характера в уголовном процессе. В частности, рассмотрены вопросы назначения судебно-психиатрической экспертизы, процессуального статуса лица, а также недостатки при принятии судебных решений. Автором предложены научно обоснованные рекомендации по совершенствованию законодательства.

Калит сўзлар: тиббий мажбурлов чоралари, жиноят процесси, экспертиза, руҳий ҳолат, суд амалиёти

КИРИШ

Жиноят процессида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш институти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида жамият хавфсизлигини таъминлаш ва руҳий касал шахсларни даволашга қаратилган. Шу билан бирга, мазкур институтни қўллаш амалиётида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти анъанавий равишда мураккаб ва муаммоли бўлиб, бу бир қатор омилларга боғлиқ:

– Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидан ташқари, доим ҳам бир-бирига мос келмайдиган бошқа соҳага оид қоидаларни ўз ичига олган ҳуқуқий асосни қўллаш зарурати;

– Исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ўзига хослиги, ҳуқуқшуносларнинг тиббий терминологиядан фойдаланишдаги объектив қийинчиликлари мавжудлиги;

– Жиноий таъқиб остидаги шхснинг шахсий ва унинг ижтимоий муҳити хусусиятлари.

– Жиноий таъқиб остидаги шахсни мажбурий психиатрик даволаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий масалаларнинг тартибга солинмаганлиги.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш жиноят процессида алоҳида ўрин тутди, чунки ушбу институт жиноят ҳуқуқи, процесси ва психиатрия кесишмасида ўрин олган. Ушбу процессуал ҳаракатларнинг мақсади ақли норасолик ҳолатида жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишни содир этган шахсни жазолаш эмас, балки унинг руҳий ҳолатини даволаш ёки яхшилаш, шунингдек, кейинги жиноятларнинг олдини олишдир. Бироқ, инсонпарварлик ёндашувига қарамай, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ҳуқуқий нормалар номукаммаллиги ва исботлашнинг мураккаблиги туфайли юзага келадиган бир қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Ушбу мақоланинг мақсади ушбу тоифадаги ишлар бўйича процессуал ҳаракатларнинг баъзи муаммоли жиҳатларини аниқлаш ва ечимларни таклиф қилишдан иборат.

Асосий қисм

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари қуйидагилардир:

- а) шахс томонидан жиноят ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этилиши;
- б) руҳий носоғломлиги туфайли шахс ўзи ёки бошқалар учун хавф туғдириши;
- в) бу касалликлар бошқа жиддий зарар етказиш эҳтимоли билан боғлиқ (масалан, янги ижтимоий хавfli қилмиш содир этиш).

Суд шахсга нисбатан содир этилган қилмишнинг оғирлигини ва унинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қўллаши мумкин бўлган бир нечта турдаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари мавжуд (Жиноят кодексининг 93-моддаси)¹:

- а) яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш;
- б) яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш;
- в) умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш;
- г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;
- д) жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш.

Мажбурий даволаш турларининг ушбу рўйхати якуний бўлиб, уни кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сон "Руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 2-бандига мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ақли норасо ҳолатда жиноят содир этган шахсга ёки жиноят содир этгандан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки

¹ <https://lex.uz/docs/111453>

уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсга нисбатан суд томонидан қўлланилади².

Айни чоғда, илмий адабиётларда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида суд-психиатрик экспертизани тайинлаш асослари масаласи анча баҳсли.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахсга нисбатан суд-психиатрик экспертизанинг ижобий натижаси – ушбу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Бизнингча, тегишли амбулатория текширувини ўтказмасдан стационар суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш масаласига эътибор қаратиш зарур. Бунга ЖПКнинг 265-моддаси 1-қисмининг биров ноаниқ таҳрири сабаб бўлмоқда, унга кўра: "Агар суд-тиббиёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчини, судланувчини стационар кўриқдан ўтказиш зарурати вужудга келса, улар тегишли тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин". Ҳуқуқий норманинг бундай ифодаси терговчи ёки судга дархол тайинлаш имконини беради.

Илмий адабиётда стационар экспертиза, асосан, экспертлар амбулатория текширувлари берилган саволларга жавоб бериш учун етарли эмаслигига шахсан амин бўлганида зарурлигини тўғри таъкидланади³.

Айнан шу нуқтаи назардан гумон қилинувчи ёки айбланувчини суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш учун стационар касалхонага жойлаштириш долзарб муаммо ҳисобланади. Айрим муаллифлар ҳақли равишда таъкилаганидек, суд-психиатрия экспертизаси учун касалхонага жойлаштириш – бу "шахснинг ҳуқуқлари нуқтаи назаридан энг оғир чора" ҳисобланади⁴. Бу чора амалга оширилганда, айбланувчи (гумон қилинувчи) ҳаракатланиш, мулоқот қилиш эркинлиги ва меҳнат ҳуқуқлари чекланади, унинг инсон сифатида қадр-қимматига путур етади. Ушбу чоранинг жиддийлигига уни қўллаш муддати қатъий кўрсатилгани ҳам ишора қилади (ЖПКнинг 265-моддасига мувофиқ шахс тиббий муассасага кўпи билан бир ой муддатга жойлаштирилиши мумкин.).

Суд-психиатрик экспертизани ўтказиш билан боғлиқ яна бир масала мавжуд. Шахс факат суд қарори асосида суд-психиатрик экспертизани ўтказиш учун психиатрия стационарига жойлаштирилиши мумкинлиги сабабли, тарафлар тортишувчанлиги ва ҳимояланиш ҳуқуқлари таъминланиши шарт. Агар ЖПКнинг 267-моддаси 3-қисми мазмунига назар ташласак, тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар унинг соғлиғи имкон берса, суд мажлисида қатнашишга ҳақли эканлиги назарда тутилганини кўрамыз. Ушбу қоидада, шахс, агар унинг соғлиғи имкон берса, суд мажлисида қатнашиши зарурлиги ҳақида қатъий белгиланмаган. Шунинг учун, судлар, суд-

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори, 12.12.2008 йилдаги 23-сон // <https://lex.uz/docs/1601125>

³ Аминев Ф.Г. Назначение судебных экспертиз при расследовании преступлений: учеб. пособие. Уфа : РИЦ БашГУ, 2013. 136 с.; Самутичева Е.Ю. Заключение эксперта и его оценка в уголовном процессе (сравнительно-правовое исследование): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2016. 32 с.

⁴ Судебная психиатрия : учеб. пособие / под ред. З.О. Георгадзе. М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2004. 85 с.

психиатрик экспертизани тайинлашда, касалхонага ётқизиладиган шахснинг ҳимоячиси ёки вакилини чақиртириш билан чекланиб, унинг ўзини иштирокини талаб этишмайди.

Бу эса, экспертизани тайинлашдан аввал шахснинг аҳволини шахсан кўриш, ўрганиш ва амбулатор ёки психиатрик стационар зарурлигини тушуниш масаласини тўғри ҳал этишга ҳалақит бериши мумкин.

Қолаверса, айрим муаллифлар кўп ҳолларда амбулатория суд-психиатрия экспертизаси терговчи ва суд томонидан қўйилган барча саволларга жавоб бериши мумкинлигини таъкидлашади. Биз бу фикрга тўлиқ қўшиламыз. Бошқача ёндашув шуни кўрсатадики, терговчилар ва судлар амбулатория суд-психиатрия экспертизасининг салоҳиятини етарлича муносиб баҳоламайдилар, бу эса амалда суд-психиатрик стационар касалхоналарнинг хаддан ташқари тўлиб кетишига, қўшимча молиявий ҳаражатлар ва дастлабки тергов ва жиноят ишини ҳал қилишда кечикишларга олиб келади.

Шахснинг процессуал мақоми ноаниқлиги муаммолари

Шу ерда Жиноят-процессуал кодексининг 61-бобида тартибга солинган процессуал тартибда иш юритиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш муҳим. Жумладан, назаримизда, дастлабки тергов босқичида одатий процессуал тартиботдан алоҳида процесс турига ўтишни диққат билан тартибга солиш мақсадга мувофиқ, чунки бундай ўтиш, Мищенко Е. В., Погорельский А. А. тўғри таъкидлаганидек, гумон қилинувчи (айбланувчи) шахсининг жараёндан "чиқиб кетиши" ва жиноят-процессуал муносабатларнинг мустақил махсус субъектининг пайдо бўлишини англатади⁵.

Шу муносабат билан, айрим олимлар, бундай ҳолатда фақат суриштирувчи, терговчи томонидан чиқарилган алоҳида ҳуқуқни қўллаш ҳужжати асосида амалга оширилиши кераклиги, яъни мажбурий йўсиндаги тиббий чорани қўллаш бўйича иш қўзғатиш тўғрисида қарор бўлиши кераклигини асосли равишда таъкидлайдилар. Бундай процессуал ҳужжатнинг чиқарилиши натижасида тегишли шахснинг процессуал мақоми ўзгариши ва ваколатли шахснинг зиммасига унинг қонуний вакилини, шунингдек, агар илгари ишда иштирок этмаган бўлса, унинг ҳимоячисини ишда иштирок этишини таъминлаш юкланади. Бундай ҳуқуқни қўллаш ҳужжатини чиқариш мажбурияти тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий қонуннинг ҳозирги вақтда йўқлиги шахсга махсус мақом бериш ва ушбу шахсга махсус иш юритишни амалга оширишни бошлаш вақти борасида ноаниқликларни келтириб чиқаради⁶.

Суд-психиатрия экспертизаси босқичидаги муаммолар

Амалиётда экспертиза кеч тайинланиши ёки формал ўтказилиши кузатилади. Бу эса шахснинг ҳақиқий руҳий ҳолатини аниқлашга тўсқинлик қилади.

⁵ Мищенко Е. В., Погорельский А. А. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: проблемы регламентации процесса доказывания // Журнал российского права. 2022. № 8. С. 93–107.

⁶ Лесная Л. И. Некоторые проблемы производства по делам о применении принудительных мер медицинского характера / Л. И. Лесная. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2018. № 49 (235). С. 145–147. URL: <https://moluch.ru/archive/235/54447/> (дата обращения: 03.03.2026).

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг қонунийлиги ва асослилиги мансабдор шахсларнинг профессионал фазилатларига, жумладан, профессионаллик ва юқори даражадаги ҳуқуқий хабардорликка боғлиқ. Бундан ташқари, кўриб чиқиладиган масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан нафақат қонунчилиқни чуқур билишни, балки суд-психиатрия, патопсихология ва руҳий касалликлари бўлган шахсларни ўрганадиган бошқа фанларни ҳам тушунишни талаб қилади.

Амалиётда дастлабки терговдаги энг қийин босқичлардан бири руҳий касалликни кўрсатувчи белгиларни дастлабки аниқлашдир. Суриштирувчи, терговчи, ихтисослашган тиббий билимга эга бўлмаган ҳолда, гумон қилинувчининг хатти-ҳаракатларини, реакцияларини ва кундалиқ ҳаётини баҳолаши керак.

Афсуски, терговчилар ҳозирда психиатрия тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотларни жиноят процессида малакали талқин қилиш, баҳолаш ва қўллашга доим ҳам тайёр эмаслар. Айтиш мумкинки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик руҳий носоғлом шахсларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг баъзи билимсиз ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун етарли кафолатлар бермайди.

Оқибатда, руҳий касалликнинг аниқ белгилари эътиборга олинмаслиги, натижада ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахсларга қарши жиноят ишлари судга жўнатилиши ҳолатлари учрайди.

Қарама-қарши муаммо ҳам долзарблигини йўқотмаган: жиноий жавобгарликдан қочиш учун руҳий касалликни сохталаштириш (стимуляция). Руҳий ҳолатнинг асл моҳиятини ёки уни стимуляция қилиш экспертлардан юқори даражадаги профессионалликни талаб қилади, аммо мавжуд усуллар дастлабки босқичда ҳар доим ҳам бу масалага аниқ жавоб бермайди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўзайтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини кўриб чиқишда суд Жиноят-процессуал кодекснинг 580-моддаси 1-қисмига мувофиқ берилган илтимосноманинг асослилигини диққат билан ўрганиб чиқиши керак. Шу мақсадда суд даволаниш натижаларини кўриши ва қўшимча тиббий кузатув ва даволаниш зарурлигини аниқлаши керак.

Шу мақсадда суд мажлисига шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўзайтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун даволанаётган тиббий муассасасининг (ёки стационар психиатрик ёрдам кўрсатувчи тиббий ташкилотнинг) вакили чақирилиши мумкин. Ҳимоячи, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг қонуний вакили ва прокурорнинг иштироки мажбурийдир.

Шу билан бирга, қонунчилик таҳлили ва ушбу масала бўйича бир нечта процессуал олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида етарлича тартибга солинмаган бир нечта жиҳатлар мавжудлигидан далолат беради.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодекснинг 50-моддасига ўзгартириш киритиш зарур бўлиб, унга кўра ҳимоячи руҳий носоғлом шахсларни ҳимоя қилиш учун рухсатнома (сертификат)га эга бўлиши керак. Ушбу рухсатнома тасдиқланган дастур, экспертиза тартиблари ва қайта сертификатлаш тартибларига мувофиқ психиатрия соғлиқни сақлаш

муассасаларида ихтисослаштирилган курслар орқали олинади. Бу ҳимоя остидаги шахслар манфаатларини ифода этиш даражасини ошириб, адвокатлар дуч келадиган тиббий масалаларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуннинг⁷ 15-моддасида экспертга унинг ҳулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги ҳусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар беришга оид қоидалар мавжуд.

Шунингдек, ЖПКнинг 66-моддасига кўра, эксперт унинг ҳулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги ҳусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар беришга ҳақли.

Бироқ, формал равишда, ЖПКда экспертларга процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги ҳусусида шикоятлар, рад этишлар бериш ҳуқуқи берилмагани учун, бу баёнотлар шикоят ёки рад этиш деб ҳисобланмайди ва кўриб чиқилмасдан қолдирилиши мумкин. Қолаверса, ЖПК 90-моддасига мувофиқ, баённомаларга тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар киритилади.

ХУЛОСА

Мажбурий йўсиндаги тиббий чораларни қўллашни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш зарурати шубҳасиздир. Ушбу махсус турдаги суд жараёни нимани исботлаш кераклиги, қандай қарорлар қабул қилиниши ва бутун процессуал жараён қандай ташкил этилиши кераклигига бевосита таъсир қилувчи бир қатор муҳим ҳусусиятларга эга.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдаги муаммоларни бартараф этиш учун процессуал нормаларни такомиллаштириш, суд амалиётини бирхиллаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш зарур.

АДАБИЁТ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори, 12.12.2008 йилдаги 23-сон // <https://lex.uz/docs/1601125>
3. Аминев Ф.Г. Назначение судебных экспертиз при расследовании преступлений: учеб. пособие. Уфа : РИЦ БашГУ, 2013. 136 с.;

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 01.06.2010 йилдаги ЎРҚ-249-сон Қонуни // <https://lex.uz/ru/docs/1633102>

4. Самутичева Е.Ю. Заключение эксперта и его оценка в уголовном процессе (сравнительно-правовое исследование): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2016. 32 с.
5. Судебная психиатрия : учеб. пособие / под ред. З.О. Георгадзе. М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2004. 85 с.
6. Мищенко Е. В., Погорельский А. А. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: проблемы регламентации процесса доказывания // Журнал российского права. 2022. № 8. С. 93–107.
7. Лесная Л. И. Некоторые проблемы производства по делам о применении принудительных мер медицинского характера / Л. И. Лесная. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2018. № 49 (235). С. 145–147. URL: <https://moluch.ru/archive/235/54447/> (дата обращения: 03.03.2026).
8. Ўзбекистон Республикасининг 01.06.2010 йилдаги ЎРҚ-249-сон Қонуни // <https://lex.uz/ru/docs/1633102>.